



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-543

« » 20 г

**Бандихон тумани “Бойсун” массиви
“Кудуксой” маҳалласи худудидан
“YUKSALISH SARI BIRGALIKDA” МЧЖга
“Тош майдалаш, асфалт, ғишт, бетон ва
плита заводи” қуриш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 03-02/426-сон йиғилиш баёни ва Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 22 июндаги 01-05/177-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 03-02/426-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Бойсун” массиви “Кудуксой” маҳалласи худудидан “YUKSALISH SARI BIRGALIKDA” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1764қ-дала контуридаги 1,0 гектар яйлов ер майдони “Тош майдалаш, асфалт, ғишт, бетон ва плита заводи” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “YUKSALISH SARI BIRGALIKDA” МЧЖ “Тош майдалаш, асфалт, ғишт, бетон ва плита заводи” қуриш мақсадида ажратилаётган 1,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 13 356 060 (ўн уч миллион уч юз эллик олти минг олтмиш) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонкулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов